Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 4-may. Shanba • 54 (31.644) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир.**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗДАГИ ЮРТ



**Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, саломатлигини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Шу кунларда ушбу муассасада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ушбу умумхалқ байрамига бағишланган учрашувлар ва маърифий кечалар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида пансионат тубдан қайта таъмирланди. Ҳордиқ чиқариш учун махсус айвончалар, фавворалар қурилди, қўшимча ўриндиқлар ўрнатилди. Ёзги кинотеатр саҳнаси фойдаланишга топширилди. Мевали ва манзарали дарахт ҳамда турфа гул кўчатлари экилган боғ пансионатга кўрк бағишлаб турибди. Маънавият ва маърифат хонаси, бой китоб захирасига эга кутубхона, дам олиш хоналари нуронийлар хизматида.

Пансионат қошидаги поликлиникада юқори малакали шифокорлар, ижтимоий соҳа хизматчилари, ҳуқуқшунослар томонидан кексаларга зарур тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий кўмак кўрсатилаётир.

— Биз нуронийларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизни дуо қилиб, умрлари зиёда бўлишини Яратгандан сўраймиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, «Жасорат» медали соҳиби Муҳаммаджон Ҳусаинов. — Бугунги тинч ва осойишта кунларимизга шукроналар айтамиз.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## ИЖОД ЭРКИНЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ МУШТАРАК

### «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

**«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, мазкур танлов ташкилий қўмитаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти ҳам ана шундай рағбат ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва «Uzreport» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов касбига садоқат, маънавий жасорат ва Ватанга муҳаббат билан ижод қилаётган журналистлар меҳнатини қадрлашда муҳим омил бўлаётир.

Ижодий беллашувнинг мавқеи, қамрови йил сайин кенгаймоқда. Бугунгача ўтказилган етти танловда 181 нафар журналист асосий ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун танловда 410 нафар журналист қарийб 6400 ижодий иши билан қатнашди.

Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари ҳам диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ: ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

**«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичи бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини яратиб бериши белгиланган. Мазкур меъёр асосида мамлакатимизда ахборот тизими босқичма-босқич ислоҳ этиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

**Мамлакатимиз қонунчилик амалиётида жорий этилаётган мазкур янги услуб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ҳамда ундан эркин фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлигини, масъулиятини оширишга хизмат қилади.**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот**

«Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси — директори Аъзамжон Салоҳиддинов, Мамлакатимизда нодавлат электрон ОАВни ривожлантириш ва ахборот соҳасини демократлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳамда вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзудаги таҳлилий-танқидий кўрсатувлари учун

**Асосий номинациялар**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

***1-ўрин:***

**Элмурод Бозоров** — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси, Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар таҳлили мисолида тинчлик ва барқарорликни қадрлашга даъват этувчи, айниқса, ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» рукнидаги кўрсатувлари учун

***2-ўрин:***

**Дилшод Бўриев** — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга оид «Очиқ мулоқот» туркумидаги таҳлилий-танқидий материаллари учун

***3-ўрин:***

«Рухсор» телерадиоканали (Фарғона вилояти) — ижрочи директори Дилшодбек Йўлдошев, Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, «Мустаҳкам оила йили» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси кенг ёритилган туркум кўрсатувлари учун

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг






ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

яратиш имкониятлари жуда кенг. Улардан фойдалана олиш ўзимизга, фаоллигимизга, электорат билан ишлашга боғлиқ

www.uzbekistonovozi.uz

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

# ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ахборот соҳасини эркинлаштиришга қаратилган механизмларни янада мустаҳкамлайди. Қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент уни такомиллаштиришга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Мамлакатимиз қонунчилик амалиётида жорий этилаётган мазкур янги услуб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ҳамда ундан эркин фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлигини, масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тажрибани самарали ташкил этиш мақсадида Бухоро вилоятида тайёргарлик босқичи кенг кўламда олиб борилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари иштирокида қатор амалий семинарлар ташкил этилди.

Маълумки, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш усуллари аниқ белгилаб қўйилган. Семинарларда мазкур усулларни амалга ошириш билан боғлиқ механизмлар ҳақида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари кенг жамоатчиликка тушунтиришлар берилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ишчи комиссия аъзоси Дилбар Холиқова** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровлар ҳамда сўровга қўйиладиган мезонлар ҳақида тушунча берди.

Ахборотдан фойдаланувчи бевосита ёки ваколатли ўз вакили орқали оғзаки ёхуд ёзма шаклдаги сўров билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, деб таъкидлади у. Бу сўров электрон шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатга олингандан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

Агар сўров давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг ваколатига кирмаса, сўров рўйхатга олингандан бошлаб уч кун давомида бу ҳақда фойдаланувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Сўровга жавоб бериш рад этилган тақдирда, фойдаланувчига бунинг сабаблари асосланган ҳолда жавоб қайтарилади.

Хўш, сўровда нималар қайд этилиши керак? Жисмоний шахснинг сўровида фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг сўровида эса тегишли ташкилотнинг номи, юридик манзили, ташкилот мансабдор шахсининг фамилияси ва исми-шарифи кўрсатилиши, сўров моҳияти баён этилган бўлиши лозим.

Ахборотдан фойдаланувчини идентификация қилиш имконини берадиган, талаб этиладиган маълумотлар акс этмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига ёки сўровда қўйилган масалалар бўйича ахборотни тақдим этиш ваколатига эга мансабдор шахсга юборилади. Белгиланган тартибда берилган сўров кўриб чиқилиши шарт.

— Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқ амалиётида ноёб тажриба бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб беради, — дейди **вилоят ҳокими ўринбосари Ҳусниддин Ғоиров.** — Шу боис ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси синови билан боғлиқ қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар режалаштирилган. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, ахборот хизматлари фаолиятини таҳлил қилиш, расмий веб-сайтларни ахборотлар билан мунтазам тўлдириб бориш масалалари юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш белгиланган. Шу асосда вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарида кенг кўламли ишлар олиб борилиб, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари зарур тадбирларни амалга оширяпти.

Қонун лойиҳаси нормалари ва қоидаларини такомиллаштиришга, жойларда уларни самарали қўллаш механизмларини яратиш мақсадида лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилмоқда.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган бинолар ва жойларда жойлаштириш тартиби ҳақидаги Муваққат низом тасдиқланган, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва алоқа ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Шамшиддинхўжа Сайдаҳмедов.**

**— Унда ахборотни жойлаштиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий принциплари белгиланган. Яъни, ахборот шаффофлиги, ошкоралиги, очиқлиги, эркинлиги ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига, шаъни ва ишчанлик обрўси ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларига, юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўси ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши керак.**

Эслатиб ўтамиз, асосий босқичда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар фаолияти эксперимент ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил этилади. Ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳамда жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интервью, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, шунингдек, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлиги бўйича комплекс баҳолар олинади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбири.**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ



__Энг яхши журналистик материал учун (радио):__

***1-ўрин:***

**Гулбаҳор Давирова** — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси, Мамлакатимизда ва дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий жараёнлар ва долзарб воқеалар тезкор ёритилган, шунингдек, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари учун

***2-ўрин:***

**НРТ радиоси «Кун тафсилоти» дастури ижодий гуруҳи** — раҳбари **Нигора Хўжаева,** Республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган эшиттиришлари учун

***3-ўрин:***

**Дилдора Мардиева** — «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ Маданий-маърифий, илмий-оммабоп ва таълим дастурлари муҳарририяти катта муҳаррири, Жисмонан соғлом, маънан юксак, билимли ёшларни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга зид турли ёт таъсирлардан асраш масалаларига бағишланган «Нуқтаи-назар» ва «13-студия» туркум эшиттиришлари учун

__Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):__

***1-ўрин:***

**«Ваш налоговый консультант — Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири **Феруза Ҳакимова,** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини, соҳадаги янгиликларни аҳолининг турли қатламларига тезкорлик билан етказишга қаратилган фаолияти учун

***2-ўрин:***

**«Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти** — бош муҳаррири **Фармон Тошев,** Республика ва вилоят ҳаётидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг ёритилган ҳамда жамиятда учраб турадиган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилган материаллари учун

***3-ўрин:***

**Анвар Қулмуродов** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, «Мустаҳкам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган мақолалари учун

__Энг яхши журналистик материал учун__
**(Интернет-журналистика):**

***1-ўрин:***

**Меҳрибон Маметова** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти етакчи муҳаррири, Давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик тадбирлардан тайёрлаган репортажлари, таҳлилий мақолалари, шарҳлари, тезкор хабарлари учун

***2-ўрин:***

**Давронбек Тожиалиев** — «ziyouz.com», «ziyouz.uz» веб-сайтлари бош муҳаррири, Халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятлари, маданиятини кенг тарғиб қилиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, ёшларни турли ахборот хуружлари, жумладан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган журналистик фаолияти учун

***3-ўрин:***

**Александра Терехина** — «Учитель Узбекистана» газетаси мухбири, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир туркум мақолалари учун

__Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:__

**БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

__Мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган энг яхши материал учун:__

**Азамат Суюнов** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бирлашган таҳририяти масъул котиби

**ЮНЕСКО**

__Барқарор тараққиёт: таълим, фан ва техника масалалари бўйича энг яхши таҳлилий материал учун:__

**Муталибжон Каримов** — Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Истиқбол йўли» газетаси масъул котиби

**ЕХҲТ**

__1. «Гиёҳвандлик — хавфсизликка трансмиллий таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:__

**Георгий Петросян** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ бирлашган таҳририяти масъул котиби ёрдамчиси

__2. «Одам савдоси — хавфсизликка таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:__

**Наргис Қосимова** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети доценти

**ЖАҲОН БАНКИ**

__«Халқ таълимига киритилган инвестициялар» мавзусидаги энг яхши материал учун:__

**Улуғбек Асроров** — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

**«МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ» (Словения)**

__Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши журналистик материал учун:__

1. **«Диёнат» газетаси таҳририяти** — бош муҳаррир **Исроил Юсупов**
2. **Тошпўлат Раҳматуллаев** — фахрий журналист

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**

__«Обод турмуш йили»га бағишланган энг яхши журналистик материал учун:__

1. **Алланазар Абдиев** — «Маданият ва спорт» газетаси бош муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)
2. **Муҳаммаджон Мақсудов** — Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори

## МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД — ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД

**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, ИИБ, вилоят прокуратураси, Фарғона шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокида «Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» мавзусида ёшлар билан учрашув ўтказилди.**

Унда сўз олганлар ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида ёшлар онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш восита ва усуллари ҳам кўпайганини, бундай вазиятда огоҳлик ҳамда хушёрликни йўқотмаслик зарурлигини таъкидлашди.

— Маънавиятимизга таҳдид қандай йўл, усул ҳамда воситалар асосида амалга оширилаётган бўлса, биз маънавият тарғиботини ундан-да кучлироқ, замонавийроқ ҳамда таъсирчан технологиялар ёрдамида олиб боришимиз керак, — деди — **ЎзХДП Истиқбол ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими етакчиси Феруза Нишонова.** — Акс ҳолда қилаётган ишларимизнинг самараси бўлмайди.

— Шунингдек, сўзга чиққан ИИБ масъул ходими Дониёр Тешабоев, вилоят прокуратураси бўлим прокурори Анваржон Назаров ва бошқалар маънавий террор таҳдиди, унга қарши кураш мавзусида атрофлича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Бу каби учрашувлар вилоятнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

*муҳим вазифа*

**Бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолисининг 1 миллион 400 минг нафардан ортиғини ёшлар ташкил этади. Уларни ҳар томонлама муносиб тарбиялаш, юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ёшларга чуқур тушунтириш муҳим вазифадир.**



ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент вилоят кенгаши билан бирга ташкил этган навбатдаги сиёсий ўқув машғулоти ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш масалаларига бағишланди.

Унда партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят ИИБ ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбир очиқ мулоқот, ўзаро фикр алмашув руҳида ўтди. Дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов ёшлар билан мулоқотда мамлакатимизда кечаётган янгиланиш ва бунёдкорлик, ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар, уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг депутатлар, мутахассислар ҳамда партия фаоллари давлат бошқарувини модернизациялаш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли хусусида атрофлича сўз юритди.

— Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни ўз мутахассислиги бўйича корхона-ташкилотларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова**. — Бу миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, «Меҳнат кодекси»нинг 14 та моддасига аҳоли бандлигини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Кодексга 2 та янги модда қўшилиб, 2 та модда чиқариб ташланмоқда. Мазкур ўзгаришлар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг доимий иш ўринларига эга бўлиши, корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимояланишини кучайтиради.

Шунингдек, тадбирда Тошкент вилояти партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди, айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Партия фаоллари, депутатлар ҳамда ёшлар қаноти вакиллари бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишларини янада жонлантириш, масъулиятни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Бу борада бошланғич партия ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини янада кучайтириш талаб этилади. Айниқса, қуйи партия ташкилотларида ўтказилаётган турли тадбирлар, фуқаролик маърифати тизимидаги сиёсий ўқувларга ёшларни кенгроқ жалб этиш, уларнинг қизиқишлари ва манфаатларини ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш муҳим вазифа деб белгиланди.

Аҳоли, айниқса, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, демократик модернизация жараёнлари моҳиятини тўғри тушунтириб бориш сиёсий партияларнинг ҳам муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтказилган сиёсий ўқув машғулоти ана шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Инсон қадр-қимматини улуғлаш, хотирасини ёд этиш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар замирида ҳам, аввало, инсон манфаатлари мужассам. Шу нуқтаи назардан Президентимиз ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши ҳамда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасидир.

**Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ**



Боғ маъмурияти қошида фаолият юритаётган «Нафосат» гул ишқибозлари клуби ташаббуси билан боғ хиёбонларининг бирига хотира ва қадр хиёбони, деб ном берилган.

Бу ерда турли соҳаларда ибратли ишларни амалга оширган вилоятнинг 14 нафар таниқли инсонларига атаб 14 туп магнолия ўтқазилганди.

## САМАРҚАНД

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ 513 НАФАР ИШТИРОКЧИСИ ҲАМДА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони вилоятимизда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маҳаллий ҳокимиятлар турли жамоат ташкилотлари билан биргаликда кенг миқёсда тадбирлар ўтказиш режасини ишлаб чиқишди. Бунда асосий эътибор уруш қатнашчиларини ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ушбу мақсадлар йўлида «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда қатор жамоат ташкилотлари нуронийларимизга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда.

Каттақўрғон шаҳридаги «Марварид» сиҳатгоҳи ҳамда Самарқанд туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасида улар имтиёзли йўлланмалар асосида саломатликларини тикламоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқори малакали шифокорлардан иборат махсус гуруҳлари уруш қатнашчиларининг хонадонларига бориб, тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

30 апрель куни 50 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва меҳнат фахрийсини Шаҳрисабз шаҳрига саёҳатга олиб бордик. Ушбу сафар давомида шаҳрисабзлик ва самарқандлик нуронийларнинг учрашувлари, турли маданий тадбирлар уюштирилди.

7 май куни вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида яшаётган 300 нафар уруш ва меҳнат фахрийсини вилоят марказига таклиф этиб, тантанали тадбир ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, улар Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам яқиндан танишади.

Самарқанд шаҳридаги «Саховат уйи», Ургут туманидаги «Мурувват уйи»да истиқомат қилаётган кексалар ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Ҳар бир байрам, муҳим саналар арафасида ушбу масканларда хайрия тадбирлари ташкил этилади. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, нуронийларга совға-саломлар топширилади. Бундай тадбирлар уларнинг кўнглини кўтаради, ҳаётдан мамнун яшашга ундайди.

Инсон қадр-қимматини улуғлаш, хотирасини ёд этиш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар замирида ҳам, аввало, инсон манфаатлари мужассам. Шу нуқтаи назардан Президентимиз ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши ҳамда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасидир.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.**

## НАМАНГАН

# ХИЁБОНДАГИ ЎН ТЎРТ ТУП ДАРАХТ

Муҳтарам Президентимиз Наманганга ташрифлари чоғида ҳар гал турли масалаларда, жумладан, ободончилик борасида ҳам янги-янги истиқболли тавсия ва таклифлар берадилар.

Наманган, айниқса, Президентимизнинг 2009 йил июлдаги ташрифидан сўнг катта тарихий ўзгаришлар сари юз бурди.

Вилоятнинг ҳар жиҳатдан юксалишига асос бўладиган учта қарор ва унинг ижроси, хусусан, «Наманган шаҳри ижтимоий инфратузилмасини тубдан ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарор вилоят аҳли кайфиятини кўтариб юборди.

Бугун ҳар бир наманганлик замонавий шаҳарсозликка монанд ҳовли жой ва хонадонларини, кўча гузарларини яшнатишга бел боғлаган. Азалдан «Гуллар шаҳри» мақомида таърифланадиган вилоятда гул етиштирувчилар сони бугунга келиб уч-тўрт баробарга ўсди.

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида кейинги 3 йил ичида 4 миллиард сўмдан зиёд таъмир ишлари амалга оширилди. 17 гектардан иборат шаҳарнинг қоқ ўртасидаги истироҳат боғида катта-ю кичикка бирдек завқу сурур бағишлайдиган энг ноёб гул ва дарахтлар барқ уриб яшнамоқда.

Боғ маъмурияти қошида фаолият юритаётган «Нафосат» гул ишқибозлари клуби раҳбари Дилбархон Содиқова ташаббуси билан боғ хиёбонларининг бирига хотира ва қадр хиёбони, деб ном берилганди. Бу ерда турли соҳаларда ибратли ишларни амалга оширган вилоятнинг 14 нафар таниқли инсонларига атаб 14 туп магнолия ўтқазилганди.

Улар Давлат мукофоти соҳиби, Халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, муаллим Тень Хайдон, рассом-ўймакор Людмила Лопатинская, математика фанлари доктори Муфат Маматов, саноатчи Тўраш Жўраев, Наманган ободончилиги фидойиларидан бири Мелихон Иброҳимова, ободончилик фидойиси Семён Фаражов, машҳур жарроҳ Григорянц Саркисянович, гулчи Салимахон Парпиева...

Бундан тўрт аср муқаддам Америка қитъасида топилиб, олам элларини маҳлиё айлаган мафтункор ва бетакрор магнолия йилнинг тўрт фаслида ҳам зумрад япроқларини кўз-кўзлаб, май ойида ўзбекнинг шокосасидай оппоқ гулларидан муаттар ифор таратади. Ҳамма жойда ҳам яшаб кетолмайдиган ноёб бу гул дунё табиатшунослигининг таниқли намояндаси П. Магнон номини абадиятга муҳрлаб, Наманган боғининг «Хотира ва қадр хиёбони»да қулф уриб очилмоқда.

Вилоятда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни айнан шу хиёбондан бошланади. Номи магнолия тимсолида абадийлаштирилган азиз сиймоларнинг яқинлари — фарзанд ва шогирдлари, ҳамкасблари, ёру биродарлари хиёбонда тўпланадилар.

Хотира ва қадр. Миллий анъаналаримизнинг минглаб йиллик тарихи билан бўйлашиб, истиқлолдан тағинда зийнатланган бу қадрият Наманган боғидаги 14 туп дарахт тимсолида гуркираб, гулламоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Хориж

# ШАМОЛ НЕГА ЭСАДИ?

### Ўзга сайёраларда-чи?

***Олимларнинг илмий тадқиқотларидан маълумки, шамол — бу атмосферада ҳаво массаси аралашувининг ҳосиласидир. У осмон кенгликларида ҳарорат ва ҳаво босимининг нотекис бўлиниши натижасида вужудга келади.***

Москва давлат университетининг Сайёралар ва Ой тадқиқоти бўлими мудири Владислав Шевченконинг «Аргументы и факты» газетаси саволига берган жавобида қайд этилишича, атмосферанинг қаерида ҳаво босими паст бўлса, ўша жойда ўзига хос «ўпқон» ҳосил бўлади. Ҳаво босими юқори бўлган жойдаги ҳаво оқимлари эса шу бўшлиқ томон оқади ва натижада шамол ҳосил бўлади.

Қуёш тизимидаги бошқа сайёраларда ҳам шамоллар бор, фақат уларнинг ҳосил бўлиши турличадир. Масалан, Ер сайёрасига яқин Венерада атмосфера ўта зичлиги боис у сайёрага нисбатан тезроқ ҳаракатланади. Натижада, сайёравий миқёсда кучли бўронлар ҳосил бўлади. Уларнинг тезлиги соатига 720 километргача етади. Бу самолёт тезлигига тенгдир.

Марсда эса атмосфера сийраклиги боис унинг босими натижасида ҳосил бўладиган шамол тезлиги ҳам унча катта эмас — сониясига 3 метрни



ташкил қилади. Аммо бу ҳам сайёра юзасидаги чангларни супуриб, жуда улкан тўзонларни юзага келтира олади. Бу эса глобал чанг бўронлари бўлиб кўринади. Яна шуни айтиш жоизки, бу шамоллар сайёрадаги тоғлар ва шу сингари баландликларда ўз изларини қолдирган.

Умуман олганда, энг кучли шамоллар Сатурн сайёрасида қайд этилади. Сайёранинг ўзи газлардан иборат бўлгани боис унинг қаттиқ юзаси йўқ. Шунинг учун сайёра атмосферадан таркиб топган.

Космик аппаратлар олган суратлар шундан далолат берадики, бу сайёрада ҳаво оқимларининг тезлиги сониясига 500 метрга етади.

# ҲАВО ЎПҚОНЛАРИ

### кўпайиб бормоқда

***АҚШлик олимлар яқин келажакда ҳаво лайнерларининг Атлантика океани орқали Европадан Америкага парвоз қилиши сезиларли даражада қийинлашиши ҳақида авиация мутахассисларини огоҳлантирди.***

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қаршидан эсувчи шамоллар гирдоби янада кучаяди. Бу эса самолётлар парвозига яхшигина тўсиқ бўла олади.

Тадқиқот қатнашчиларидан бири доктор Пол Уильямснинг интервьюсида айтилишича, яқин келажакда Шимолий Атлантика устида парвоз қилувчи самолётлар атмосферадаги гирдобли ҳаракатни енгиб ўтиш учун кўпроқ ёнилғи олволишларига тўғри келади.

Кунига 600 та самолёт парвози амалга ошириладиган Шимолий Атлантика устидаги ҳаво «коридори» олимлар томонидан яқинда илмий тадқиқ қилинди. Натижа қувонарли эмас. Серқатнов ҳаво лайнерлари осмоннинг айнан шу ҳудудида иқлим ўзгаришларини юзага келтирмоқда экан. 2050 йилга бориб бу жойнинг атмосферасидаги гирдобли ҳаракат 40 фоизга ўсиши мумкинлиги аниқланди.

Бу ўринда гап самолётларнинг ҳаво ўпқонларига тушиб қолиши ва натижада уларнинг ўта кучли силкиниши ҳақида кетмоқда. Ушбу силкинишлар оқибатида йўловчилар жароҳат олиши билан бирга самолётлар ҳам турли даражада шикастланиши кўп бора кузатилмоқда.

Шуниси ачинарлики, очиқ ҳаво бўладими ёки булутли бўладими ҳаво ўпқонларини самолёт радарлари пайқамайди, сунъий йўлдошлар ҳам сезмайди. У иқлим ўзгаришлари сабабли юзага келаётган ҳавонинг реактив оқими билан боғлиқ жараёндир. Айнан атмосферада углерод гази концентрацияси кўпайиб бораётгани ҳаво ўпқонлари майдонини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси
**Ботир ТОШЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!**

**Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича**

**ТЕНДЕР (КОНКУРС) САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.*
*Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади.*

| Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили | Банк реквизитлари: |
|---|---|
| Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой туман Чўпонота 7-уй. тел: (8-371) 250-29-74. элек.-почта: office@tvssb.uz | Молия вазирлигининг ғазначилик умумий ҳисоб-рақами р/с:23402000300100001010<br>Тошкент шаҳар Марказий банк Бош бошқармаси<br>МФО:00014 ИНН:201122919<br>л/с:499921860272877950100054002 (Тендер ҳужжатларини олиш учун)<br>л/с: 400121860272877950100054001 (Гаров пулини ўтказишга шартномалар тузиш учун)<br>л/с: 100 021 860 272 877 072 130 054 001<br>(Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун)<br>ИНН:200555593 ОКОНХ:97400 |

**Тендер (конкурс) предмети:**
Қуйидаги Лотлар бўйича товарларни етказиб бериш:
1-Лот - Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари ( рўйхати бўйича );
2-Лот - Реактивлар;
3-Лот - Тиббий ашёлар ва сарфлов материаллари.
4-Лот - Дезинфекцияловчи ва антисептик воситалар.
Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.
**Етказиб бериш шартлари:**
- Барча етказиб берувчилар учун: Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойдаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб беришлари шарт.
**Етказиб бериш муддатлари:**
тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (конкурс) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш учун талабгорларнинг малакали танлови ўтказилади.
Тендир (конкурс) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500000 сўмдан – 45 435 000 сўмгача ташкил этади.
Тендер (конкурс) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасиниинг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади:
Тендер (конкурс) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 7 июнь соат 15.00 гача.
**Тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган реквизитлар бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**

**Реклама ва эълонлар**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*қурилиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | Лот 1-2 | | | |
| Лот-1 | Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносини реконструкция қилиш | 1 010 572 500 сўм | 1 212 687 000 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Нарпай туман пенсия жамғармаси учун икки қаватли 24x12м ўлчамли маъмурий бино қурилиши | 610 582 417 сўм | 732 698 900 сўм | 6 ой |

***Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Савдо ташкилотчиси*** – Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.
**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д, корпус 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***
**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.**
Таклифлар (офертaлар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги-муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.
Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Реклама ўрнида










MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodilla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
16380 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5